

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

НУРИДДИНОВ НОДИР НУРМАТ ЎҒЛИ

ФОРС ТИЛИДА ҚЎШМА СЎЗ ВА СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ
ДИСТИНКТИВ БЕЛГИЛАРИ

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК: 811.222.1
КБК: 81.2-3 (5)
Н - 87

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Нуриддинов Нодир Нурмат ўғли

Форс тилида кўшма сўз ва сўз бирикмаларининг дистинктив

белгилари 3

Нуриддинов Нодир Нурмат угли

Дистинктивные признаки сложных слов и словосочетаний в

персидском языке 25

Nuriddinov Nodir Nurmat ogli

Distinctive features of compound words and word combinations

in Persian language 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

НУРИДДИНОВ НОДИР НУРМАТ ЎҒЛИ

ФОРС ТИЛИДА ҚЎШМА СЎЗ ВА СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ
ДИСТИНКТИВ БЕЛГИЛАРИ

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil57 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қуронбеков Аҳмадқул
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исламджанова Ҳазифахон
филология фанлари доктори, профессор

Сотиболдиева Сарвиноз Рузиевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Б. Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида қўшма сўз ва сўз бирикмаларининг табиати, лисоний мақоми ва уларга берилган таърифларнинг турли-туманлиги сабабли мазкур бирликларга оид тугал ва яхлит назария шаклланмаган. Ҳозирда дунё тилшунослигида тилнинг систем характери, тил бирликларининг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари, ўзаро муносабатини атрофлича таҳлил этиш кун тартибидаги масалалардан ҳисобланади. Шу сабабли қўшма сўз ва сўз бирикмаларини илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш таснифлардаги ноаниқликларни бартараф этишга ҳамда мазкур бирликларнинг ўзаро фарқловчи мезонларини аниқлашга ёрдам беради.

Дунё эроншунослари томонидан форс тилшунослигида қўшма сўз ва сўз бирикмаларига оид муайян илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Уларда қўшма сўз ва сўз бирикмалари структур-семантик, лексик-семантик ва грамматик жиҳатдан таснифланган бўлса-да, аммо қўшма сўз ва сўз бирикмаларини ўзаро фарқловчи дистинктив белгилар хусусида ягона илмий ечим ва тўхтамга келинмаган. Шу сабабли мазкур мавзунини монографик планда ўрганиш, қўшма сўз ва сўз бирикмаларининг дистинктив белгиларини аниқлаш зарурати тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Форс тилида қўшма сўз ва сўз бирикмаларининг бир қанча турлари мавжудлигини ҳисобга олиб, тадқиқот мавзуси сифатида копулятив қўшма сўз ва эркин копулятив сўз бирикмаларининг дистинктив белгилари танлаб олинди.

Бугунга қадар ўзбек тилшунослигида форс тили бўйича муайян илмий ишлар амалга оширилган бўлса-да¹, айнан қўшма сўз ва сўз бирикмаларининг дистинктив белгиларига доир фундаментал тадқиқотларнинг йўқлиги, бу мавзунини монографик планда ўрганиш, копулятив қўшма сўз ва эркин копулятив сўз бирикмаларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш заруратини тақозо этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»² масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши тилшунослик соҳасидаги илмий изланишларни ҳам янги босқичга олиб чиқди. Бу борада шаклан ўзаро ўхшаш бўлган копулятив қўшма сўз ва эркин копулятив сўз бирикмаларининг дистинктив белгиларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

¹ Абидов М.М. Субстантивные фразеологизмы в современном персидском языке: Дис. ... канд. фил. наук. – М., 1988. – 151 с; Вахидов А.А. Причастия в современном персидском языке (функционально-грамматический анализ): Дис. ... канд. фил. наук. – М., 1990. – 178 б; Аҳмедова Д.Р. Форс тилида тарз холининг структур ва семантик таснифи: Филология фанлари номзоди дисс. – Т., 2011. – 132 б; Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тилида термин ясалишининг назарий ва эмпирик асослари: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2017. – 45 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль. – № 28 (6722).

тўғрисида»ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358 сон «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эронлик тилшунослар копулятив бирликларни қўшма сўзлар, эркин ва турғун сўз бирикмалари каби турларга ажратмайдилар. Сўзнинг структур таҳлилидан келиб чиққан ҳолда уларни мураккаб бирликлар сифатида таҳлил қиладилар. Эронда нашр этилган форс тили грамматикаларида копулятив бирликлар мавзуси, одатда, қўшма сўзлар бўлимида ўрганилади. Айнан бир турдаги сўзларнинг ҳам қўшма сўзлар *kalemāt-e morakkab* калмат مركب, ҳам сўз бирикмалари *tarkibāt* таркиبات сифатида ўрганилиши тез-тез кўзга ташланади. Эрон дастурнавислари томонидан копулятив бирликлар *kalemāt-e mozdavaj*³ «иккиланган, жуфт сўзлар», *kalemāt-e morakkab-e hamsāni*⁴ «тенг (ўхшаш) ва такрорий қисмлардан иборат қўшма сўзлар», *kalemāt-e joft*⁵ «жуфт сўзлар», *esmhā-ye morakkab-e motavāzen*⁶ «копулятив қўшма отлар», *tarkibhā-ye atfi* «боғловчили қўшма сўзлар», *tarkib-e motavāzen* «копулятив қўшма сўз», *sāxt-e hampāye*⁷ «тенг конструкция», *kalemāt-e peyvandi-ye morakkab*⁸ «боғловчили қўшма сўзлар» каби терминлар билан аталади.

Тадқиқот мавзусига оид назарий адабиётларда копулятив бирликларни ифодалаш учун الفاظ اتباع *alfāz-e etbā'* «тобе сўзлар» терминидан фойдаланилгани кузатилди. М. Баҳор⁹, Х. Фаршидвард¹⁰, М.Ж. Машкур¹¹, Ҳ. Анварий ва Ҳ. Аҳмадий-Гивий¹² каби эронлик тилшунослар الفاظ اتباع *alfāz-e etbā'* термини

³ خسرو فرشیورد. دستور امروز. تهران، ۱۳۴۸. ص. ۱۱۰.

⁴ خسرو فرشیورد. ترکیب و اشتقاق در زبان فارسی. ترکیب و تحول آن در زبان فارسی. دستوری برای واژه سازی. تهران، ۱۳۸۹. ص. ۴۶.

⁵ محمد معین. فرهنگ فارسی. شامل سه بخش: لغات، ترکیبات، خارجی. جلد ۱-۶. تهران، ۱۳۷۵. ص. ۳۸۰.

⁶ علاء الدین طباطبایی. ترکیب در زبان فارسی // نامه فرهنگستان ۳/۹. تهران، ۱۳۹۰. ص. ۱۹۳.

⁷ بشیر جم. چگونگی تشکیل ترکیب های عطفی و تمایز آنها از گروه های نحوی // مجله پژوهش های زبانشناسی. تهران، ۱۳۹۱. ص. ۳۳.

⁸ ایران کلباسی. ساخت اشتقاقی واژه در فارسی امروز. تهران: موسسه مطالعات و تحقیقات فرهنگی (پژوهشگاه)، ۱۳۷۱. ص. ۸۱.

⁹ محمد نقی بهار ملک الشعرا. سبکشناسی. تهران، ۱۳۳۷. ص. ۵۸.

¹⁰ خسرو فرشیورد. در باره ادبیات و نقد ادبی. جلدهای اول و دوم. تهران، ۱۳۶۷. ص. ۲۴۰.

¹¹ محمد جواد مشکور. دستورنامه در صرف و نحو زبان پارسی. تهران، ۱۳۴۹. ص. ۱۲۶.

¹² حسن انوری، حسن احمدی گیوی. دستور زبان فارسی. تهران، ۱۳۸۴. ص. ۹۸-۹۹.

орқали ўзаро оҳангдош, яъни мисралар, ундаги сўзлар бошида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланишидан юзага келувчи аллитерациялашган бирликларни тушунадилар.

Эронлик тилшунослардан М. Баҳор, М.Ж. Машкур, П.Н. Хонларий, Ҳ. Анварий ва Ҳ. Аҳмадий-Гивий, М. Машкутаддиний, Х. Фаршидвард, И. Калбосий, В. Шаққотий, Б.М. Бахтиёрий, А. Таботабой, М. Тоҳерий, З. Парвиний, П. Таборийларнинг форс тилида қўшма сўзларга оид тадқиқотларини ўрганиш Эрон тилшунослигида қўшма сўзларни таснифлашнинг ягона тизими мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Форс тилида сўз бирикмаларини тадқиқ этган А. Марзбонрод, М. Мўйийниён, П.Н. Хонларий, Ҳ. Анварий ва Ҳ. Аҳмадий-Гивий, М. Машкутаддиний, Ғ. Ўмроний ва Ҳ. Сабатий, Ф. Акбарий, С.Б. Алавий ва Ҳ.Қ. Муқаддам, Б.М. Бахтиёрийларнинг тадқиқотларида сўз бирикмалари асосан *tarkib* ترکیب, *tarkib-e ezāfi*¹³ ترکیب اضافی, *ebārat*¹⁴ عبارت терминлари билан изоҳланган бўлса, сўнгги йиллардаги тадқиқотларда *goruh* گروه اسمی, *goruh-e esmi*¹⁵ گروه نحوی, *goruh-e nahvi*¹⁶ گروه نحوی терминларининг фаол ишлатилаётгани кузатилади. Эронлик тилшунослар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар орасида форс тилидаги сўз бирикмалари таҳлилига оид яхлит монографик асар кузатилмади.

Европа эроншунослари томонидан қўшма сўзлар иккитадан олтигача бўлган турли гуруҳларга бўлиб ўрганилган. В.С. Расторгуева, Ж. Лазар, Ю.А. Рубинчик каби олимлар қўшма сўзларни икки гуруҳга, А. Вуллерс, П. Хорн, К.Г. Залеман ва В.А. Жуковский, А. Вармунд, Е.А. Бертельс ва Л.С. Пейсиков каби тилшунослар уч гуруҳга, Т.Д. Чхеидзе, Т.А. Чавчавадзе ва М. Шокий каби эроншунослар қўшма сўзларни тўрт гуруҳга, Л. Жирков эса олти гуруҳга бўлиб ўрганадилар.

Форс тилида сўз бирикмалари масаласи рус шарқшунослари Л.С. Пейсиков¹⁷, И.К. Овчинникова¹⁸, Ю.А. Рубинчик¹⁹, С.Э. Талыбова²⁰ лар томонидан ўрганилган.

Ўзбек эроншунослигида қўшма сўз ва сўз бирикмаларига оид монографик тадқиқот кузатилмади. Аммо Н.А. Аҳмеджанова, А. Қуронбеков, М.М. Обидов, А.А. Воҳидов, Х.З. Алимова, Д.Р. Аҳмедова, Ҳ.В. Мирзахмедова каби

¹³ علی مرزبان راد. دستور سوئمند. انتشارات دانشگاه ملی ایران. تهران، ۱۳۵۸. ص. ۲۰۹؛ مهدی معینیان. دستور زبان فارسی. انتشارات معینیان. تهران، ۱۳۶۹. ص. ۸۱، ۸۸.

¹⁴ پرویز نائل خانلری. دستور زبان فارسی. تهران: مبتکران، ۱۳۷۰. ص. ۸۶-۸۷.

¹⁵ حسن انوری، حسن احمدی گیوی. دستور زبان فارسی. ویرایش دوم. تهران: فاطمی، ۱۳۷۶. ص. ۹؛ مهدی مشکوة الدینی. دستور زبان فارسی بر پایه نظریه ی گشتاری. ویرایش دوم. مشهد: دانشگاه فردوسی مشهد، ۱۳۹۱. ص. ۲۶-۲۵؛ غلامرضا عمرانی، هامون سبطی. زبان فارسی (راهبرد های یاددهی-یادگیری). تهران: مبتکران، ۱۳۸۵. ص. ۶۲-۵۶؛ فریدون اکبری، سید بهنام علوی، حسین قاسم پور مقدم. دستور توصیفی زبان فارسی. تهران: شورا، ۱۳۸۸. ص. ۷۷-۷۵؛ پرویز نائل خانلری. دستور زبان فارسی. تهران: مبتکران، ۱۳۷۰. ص. ۲۳۸-۲۳۹.

¹⁶ بشیر جم. چگونگی تشکیل ترکیب های عطفی و تمایز آنها از گروه های نحوی // مجله پژوهش های زبانشناسی. تهران، ۱۳۹۱. ص. ۳۴؛ بهروز محمودی بختیاری. ترکیب های نحوی در زبان فارسی // ادبیات فارسی. شماره سه. تهران، ۱۳۸۹.

¹⁷ Пейсиков Л.С. Вопросы синтаксиса персидского языка. – М., 1959. – 412 с.

¹⁸ Овчинникова И.К. К вопросу о грамматической сущности и принципах выявления словосочетаний в персидском языке // Иранская филология. – М.: Изд-во Московского Университета, 1971; Именные словосочетания в персидском языке и возможные принципы их классификации // Иранская филология. – М.: Изд-во Московского Университета, 1971.

¹⁹ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М., 2001. – 600с.

²⁰ Талыбова С.Э. Копулятивные словосочетания в персидском языке. – М., 2002. – 189 с.

эроншуносларнинг тадқиқотларида²¹ қўшма сўз ва сўз бирикмаларининг айрим жихатлари ўрганилган.

Ўзбек эроншуносларининг мавзуга оид тадқиқотлари таҳлили рус эроншуносларининг таснифини эслатади. Илмий изланишларнинг ҳеч бири тўлиқ қўшма сўз ва сўз бирикмаларининг тадқиқига бағишланмаган, бу мавзу ўзбек эроншуносларининг тадқиқотларида маълум бир грамматик категория доирасидагина қисман ёритилган. Шу сабабли ҳозирги вақтда форс тилида қўшма сўз ва сўз бирикмаларининг дистинктив белгиларини аниқлаш муҳим. Бу эса мазкур икки грамматик категориянинг структур-семантик таҳлилинини ўтказиш ва уларнинг моделларини аниқлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Хорижий Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари» ҳамда «Марказий Осиёда лексикология ва лексикография: анъаналар ва ҳозирги замон илмий мактаблари» мавзусидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади форс тилида копулятив қўшма сўз ва эркин копулятив сўз бирикмаларининг дистинктив белгиларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

форс тилшунослигидаги қўшма сўз ва сўз бирикмаларига оид тадқиқотлар таҳлилинини амалга ошириш;

ўхшаш таркибий тузилишга эга копулятив қўшма сўз (КҚС), копулятив фразеологик бирлик (КФБ) ва эркин копулятив сўз бирикмаси (ЭКСБ)ни ўзаро фарқловчи мезонларни ишлаб чиқиш;

КҚС ва ЭКСБни фонетик-фонологик жихатдан фарқлаш;

КҚС ва ЭКСБни морфологик-синтактик жихатдан фарқлаш;

КҚС ва ЭКСБни семантик жихатдан фарқлаш;

КҚС ва ЭКСБнинг структур типлари ва моделларини ажратиш;

КҚС ва ЭКСБнинг структур-семантик, лексик-грамматик ва функционал таҳлилинини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳозирги форс тилидаги копулятив бирликлар танланган.

²¹ Ахмеджанова Н.А. Словообразование имен существительных и прилагательных в современном литературном персидском языке: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1956. – С. 8; Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – Т.: TDSHI, 2009. – В. 19-20; Абидов М.М. Субстантивные фразеологизмы в современном персидском языке: Дис. ... канд. фил. наук. – М., 1988. – С. 32-63; Vohidov A.A. Fors tilida so‘z yasalihi. – Т.: TDSHI, 2010. – В. 81-82; Вахидов А.А. Причастия в современном персидском языке (функционально-грамматический анализ): Дис. ... канд. фил. наук. – М., 1990. – 178 с; Алимова Х.З. Дарий тилида сўз ясалиши. – Т.: ТДШИ, 2019. – Б. 30-31; Алимова Х.З. Дарий тилида сўз ясалишининг ички лингвистик усуллари: Филология фанлари доктори (DSc) дисс.автореф. – Т., 2019. – Б. 17; Ахмедова Д.Р. Форс тилида тарз холининг структур ва семантик таснифи: Филология фанлари номзоди дисс.автореф. – Т., 2011. – Б. 13-15; Мирзахмедова Х.В. Форс тилида термин ясалишининг назарий ва эмпирик асослари: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Т., 2017. – 45 б.

Тадқиқотнинг предметини ҳозирги форс тилида копулятив қўшма сўз ва эркин копулятив сўз бирикмасининг дистинктив белгилари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тўпланган материалларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар тавсифий, қиёсий, систем-структур, статистик ва компонент таҳлил методлари асосида ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

форс тилшунослигида қўшма сўз ва сўз бирикмасининг лингвистик мақомини белгиловчи ишчи таърифи асосланган;

копулятив қўшма сўз (КҚС) ва эркин копулятив сўз бирикмаси (ЭКСБ) нинг 5 та фонетик-фонологик, 5 та морфологик, 3 та синтактик ва 3 та семантик жиҳатдан дистинктив белгилари аниқланиб, фонетик-фонологик белгининг устунлиги асосланган;

интерфиксли КҚСнинг 6 та (*тўлиқсиз редупликацияли*, به *-be-*, تا *-tā-*, در *-dar-* ва بر *-bar-* интерфиксли, императив, феълнинг ҳозирги ва ўтган замон негизлари бирикувидан ясалган, الف وصل *интерфиксли*, الف وصل *га айланадиган*) ва интерфикссиз КҚСнинг 3 та (*тўлиқ редупликацияли*, императив, *интерфикси тушиб қолувчи*) моделлари аниқланган;

интерфиксларнинг 5 та синонимик қатори аниқланган ва به *-be-* интерфиксининг сермахсуллиги далилланган;

КҚСнинг сўз туркумлари (*от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл шакллари, тақлидий сўзлар*) билан ифодаланиши ЭКСБдан (*от, сифат, равиш ва ўтган замон сифатдоши*) кенг доирага эгалиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

КҚС ва ЭКСБларининг фонетик-фонологик, морфологик-синтактик ва семантик жиҳатдан дистинктив белгилари аниқланган;

КҚС ва ЭКСБларининг ўзаро ўхшаш-фарқли жиҳатлари ва уларнинг сабаблари асослаб берилган;

КҚС интерфиксли КҚС ва интерфикссиз КҚС каби моделлар асосида таснифланган;

копулятив бирликларни ўзаро фарқлаш мезонлари ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг фундаментал илмий ва махсус манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти форс тилидаги КҚС ва ЭКСБнинг фонетик-фонологик, морфологик-синтактик ва семантик жиҳатдан дистинктив белгиларини аниқлашда, КҚС ва ЭКСБларининг ўзаро ўхшаш-фарқли жиҳатлари ва уларнинг сабабларини асослашда, КҚСни интерфиксли ва интерфикссиз КҚС каби моделлар асосида таснифлашда, копулятив

бирликларнинг структур-семантик таснифини амалга оширишда қимматли далилларни бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан «Форс тилида сўз ясалиши», «Форс тили лексикологияси», «Форс ва ўзбек тилларининг чоғиштирма грамматикаси», «Мутахассисликнинг назарий масалалари» каби ўқув фанларидан маъруза матнлари, дарслик, ўқув қўлланма ва луғатлар яратишда ҳамда шарқшунос филологлар учун махсус курслар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Форс тилида кўшма сўз ва сўз бирикмаларининг дистинктив белгилари тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

форс тилининг тарихий тараққиёти ва копулятив кўшма сўз такомили билан боғлиқ натижалардан ОТ-Ф1-71 рақамли «Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этнолингвистик вазият» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 89-03-1972-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги туркий халқларга кўшни эронийзабон элатларнинг тил вазияти, ўша кезлардаги форс тилининг ҳолати, тил хусусиятлари, лисоний бирликларнинг муайян даврдаги ўзгаришларини ёритиб беришга хизмат қилган;

форс тилидаги копулятив кўшма сўз ва сўз бирикмаларининг структур-семантик таснифига оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистондаги Эрон маданият марказининг илмий алоқалари доирасида ўтказилган тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистондаги Эрон Ислом Республикаси элчихонасининг 2019 йил 2 декабрдаги 8913-24-сон маълумотномаси). Диссертацияда келтирилган копулятивларнинг назарий тадқиқи ва манбалардан тўпланган мисолларнинг амалий таҳлили копулятив кўшма сўз ва эркин копулятив сўз бирикмаларини белгилаш мезонларини яратишга асос бўлган;

форс тилидаги копулятив кўшма сўз ва эркин копулятив сўз бирикмаларини фарқлашнинг фонетик-фонологик, морфологик-синтактик ва семантик мезонлари билан боғлиқ таҳлил натижаларидан Ўзбекистондаги Эрон маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган илмий-амалий тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистондаги Эрон Ислом Республикаси элчихонасининг 2020 йил 10 мартдаги 8913-25-сон маълумотномаси). Олинган натижалар копулятив бирликларнинг ўзаро фарқлаш мезонларини белгилаш имконини берган;

форс тилидаги интерфиксли ва интерфикссиз копулятив кўшма сўзлар ҳамда эркин копулятив сўз бирикмаларининг моделларига оид таҳлилий фикрлари ва хулосаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маҳалла» ДУК телерадиоканалининг «Мунаввар соатлар» ва «Вақт кадри» радиоэшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маҳалла» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 11 июндаги 04-04-305-сон маълумотномаси). Натижада форс тилидаги копулятив бирликларнинг структур типлари ва

моделлари ҳақидаги маълумотлар радиоэшиттиришлар таъсирчанлиги ва халқчиллигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш: Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, қолганлари республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларининг тўпламларида нашр этилган

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 156 бетни ташкил қилади.

Транскрипция ҳақида: Форс тили араб алифбосига асосланган ёзув системасига эга. Диссертациядаги мисоллар асл ёзувида келтирилган бўлиб, шунингдек, форс тилига оид тадқиқотларда қўлланилган лотин алифбосидаги халқаро транскрипциядан²² фойдаланилди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ҳамда вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Форс тилшунослигида қўшма сўз ва сўз бирикмаларини таснифлаш муаммолари»га бағишланган биринчи бобда Эрон тилшунослари, Европа ва ўзбек эроншуносларининг форс тилида қўшма сўз ва сўз бирикмаларига оид тадқиқотлари таҳлили ҳақида сўз боради.

Эронлик олимларнинг илмий изланишларида қўшма сўзлар асосан ترکیب *tarkib*, کلمات ترکیبی *kalemāt-e tarkibi*²³, کلمه های مرکب *kalemehā-ye morakkab*²⁴ терминлари билан изоҳланган.

Қўшма сўзга берилган таърифларнинг барчасида қўшма сўзларнинг таркиби икки ёки ундан ортиқ экани таъкидланади. Аммо қўшма сўзларни ташкил қилувчи таркибий қисмлар турли номлар билан ифодаланган. Масалан, Б.М. Бахтиёрининг таърифида تکواژ قاموسی *tekvāž-e yāmusi* «лексик морфема», В. Шаққотийда بسیط یا غیر بسیط واژه *vāže-ye basit yā yeyr-e basit* «содда ё содда

²² Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: «Восточная литература» РАН, 2001. – С. 67.

²³ بهروز محمودی بختیاری. ترکیب های نحوی در زبان فارسی // ادبیات فارسی. شماره سه. تهران، ۱۳۸۹. ص. ۶-۱.
²⁴ پرویز نائل خانلری. دستور زبان فارسی. تهران: مبتکران، ۱۳۷۰. ص. ۸۶-۸۷؛ ایران کلباسی. ساخت اشتقاقی واژه در فارسی امروز. تهران: موسسه مطالعات و تحقیقات فرهنگی (پژوهشگاه). ۱۳۷۱. ص. ۸۱.

бўлмаган сўз», И. Калбосийда *vāžak-e āzād* «муस्ताқил морфема», М. Машкутаддинийда *pāye-ye vāžegāni* «лексик бирлик (асос)», А. Таботабойда эса *vāže* «сўз» каби терминлар ишлатилган. Мавзуга оид назарий адабиётлар ва лингвистик луғатларда сўзга «лексеманинг нутқда муайян шакл ва вазифа билан воқеланган кўриниши, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги»²⁵, морфемага эса «тилнинг маъноли, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган энг кичик бирлиги»²⁶ деб таъриф берилган. Сўз ва морфемага берилган таърифга асосланиб, қўшма сўзлар икки ёки ундан ортиқ сўздан эмас, балки лексик морфемалар бирикувидан иборат эканини таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Эронлик тилшунослар ўз тадқиқотларида копулятив қўшма сўзларни боғлашга хизмат қилувчи *vāv* ни *miyānvand*²⁷ «интерфикс», *miyānvand-e atf*²⁸ «боғловчи интерфикс», *harf-e rabt-e atf*²⁹ «бириктирувчи боғловчи», *tekvāž-e peyvandi*³⁰ «аффиксал (бириктирувчи) морфема», *vāv-e hampāyegi (atf)*³¹ «тенглик (боғловчи) вови», *vāžebast*³² «урғусиз сўз-clitic», *vāv-e atf*³³ «бириктирувчи боғловчи» деб номлайдилар.

М. Баҳор, М.Ж. Машкур, П.Н. Хонларий, Ҳ. Анварий ва Ҳ. Аҳмадий-Гивий, М. Машкутаддиний, Х. Фаршидвард, И. Калбосий, В. Шаққотий, Б.М. Бахтиёрӣ, А. Таботабой, М. Тоҳерий, З. Парвиний, П. Таборий каби эронлик тилшунослар асарларининг таҳлили қўшма сўзларни таснифлашнинг ягона тизими мавжуд эмаслигини кўрсатди. Бир таснифга ҳам синтактик-семантик, ҳам таркибий-морфологик мезоннинг асос қилиб олинмиши³⁴, бир қўшма сўзнинг бир неча гуруҳлар доирасида такрорланиши³⁵, қўшма сўз ясалишининг турли усулларига оид бирликларни бир гуруҳ таркибида ўрганиш³⁶ каби ҳолатлар таснифлардаги ноаниқликларни юзага келтирган.

Эронлик олимларнинг сўз бирикмаларига оид таснифида фақат изофали³⁷ ва олд кўмакчили сўз бирикмалари³⁸ кузатилди. Улар сўз бирикмаларини изофали сўз бирикмалари таркибидаги бош сўзнинг қандай сўз туркуми билан ифодаланишига кўра таҳлил этишган. Олд кўмакчили бирикмалар таҳлилида

²⁵ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 95.

²⁶ Кўрсатилган асар. – Б. 65.

²⁷ محمد جواد شریعت. دستور زبان فارسی. تهران، ۱۳۷۰. ص. ۱۹۲.

²⁸ ضیا الدین هاجری. فرهنگ وندهای زبان فارسی (پیشوندها، میانوندها، پسوندها). تهران، ۱۳۷۷. ص. ۲۴۰.

²⁹ حسن انوری، حسن احمدی گیوی. دستور زبان فارسی. تهران، ۱۳۷۶. ص. ۱۰۹.

³⁰ بشیر جم. چگونگی تشکیل ترکیب های عطفی و تمایز آنها از گروه های نحوی // مجله پژوهش های زبانشناسی. تهران، ۱۳۹۱. ص. ۴۱.

³¹ ویدا شقاقی. مبانی صرف. تهران: سمت، ۱۳۸۷. ص. ۱۲۴.

³² ویدا شقاقی. فرایند تکرار در زبان فارسی // مجموعه مقالات چهارمین کنفرانس زبانشناسی نظری و کاربردی جلد اول. تهران: دانشگاه علامه طباطبایی، ۱۳۷۹. ص. ۵۱۹-۵۳۳؛ ویدا شقاقی. مبانی صرف. تهران: سمت، ۱۳۸۷. ص. ۴۶.

³³ علی اشرف صادقی. راه های فعال کردن واژه سازی در زبان فارسی // مجموعه مقالات نخستین هم اندیشی مسائل واژه گزینی و اصطلاح شناسی. تهران: فرهنگستان زبان و ادب فارسی با همکاری مرکز نشر دانشگاهی، ۱۳۷۸. ص. ۲۴۱-۲۵۱.

³⁴ بهروز محمودی بختیاری. ترکیب های نحوی در زبان فارسی // ادبیات فارسی. شماره سه. تهران، ۱۳۸۹. ص. ۲؛ علاء الدین طباطبایی. ترکیب در زبان فارسی. بررسی ساختاری واژه های مرکب. تهران، ۱۳۹۵. ص. ۱۰-۱۱.

³⁵ خسرو فرشیپورد. ترکیب و اشتقاق در زبان فارسی. ترکیب و تحول آن در زبان فارسی. دستوری برای واژه سازی. تهران، ۱۳۸۹. ص. ۴۶.

³⁶ Кўрсатилган асар. – Б. 45-46.

³⁷ پرویز نائل خانلری. دستور زبان فارسی. تهران: میتکران، ۱۳۷۰. ص. ۲۱۴.

³⁸ مهدی مشکوة الدینی. دستور زبان فارسی برپایه ی نظریه ی گشتاری. ویرایش دوم. مشهد: دانشگاه فردوسی مشهد، ۱۳۹۱. ص. ۲۵-۲۶.

эса олд кўмакчиларнинг маъно ва вазифалари ўрганилмаган. Гарчи таснифларда сўз бирикмаларининг бир неча тури қайд этилган бўлса-да, фақат тобеланиш асосида бириккан сўз бирикмаларига мисоллар келтирилиб, тенг боғланишли (копулятив) сўз бирикмалари ҳақида мулоҳаза билдирилмаган.

Эронлик муаллифларнинг қўшма сўз ва сўз бирикмаларига оид асарлари таҳлилидан копулятив бирликлар орасида фақат копулятив қўшма сўзларнинг таснифланиши, копулятив эркин ва турғун сўз бирикмалари каби турларнинг ажратилмаслиги, сўзнинг структур таҳлилидан келиб чиққан ҳолда копулятивлар мураккаб бирликлар сифатида таҳлил қилиниши маълум бўлади.

Европа эроншуносларининг қўшма сўз ва сўз бирикмаларига оид асарлари таҳлили мазкур масала Россия³⁹, Чехия⁴⁰, Франция⁴¹, Грузия⁴² эроншуносларининг асарларида тадқиқ этилганини кўрсатди.

Рус эроншунослари В.С. Расторгуева⁴³ ва Ю.А. Рубинчиклар⁴⁴ форс тилида қўшма сўзларни копулятив ва детерминатив, Л.С. Пейсиков эса детерминатив, копулятив ва синтактик типдаги қўшма сўзлар – битишувлар (чатишмалар)⁴⁵, Т.Д. Чхеидзе копулятив, детерминатив, посессив ва такрорий қўшма сўзлар⁴⁶ каби гуруҳларга бўлиб ўрганишган.

Т.А. Чавчавадзе форс тилидаги қўшма сўзларни таснифлашда хиндий тилидаги номланишлардан фойдаланиб, тўрт турга ажратади: 1) двандва (копулятив қўшма сўзлар); 2) татпуруша (детерминатив қўшма сўзлар); 3) бахуврихи (посессив қўшма сўзлар); 4) авъяйибхава (қўшма равишлар)⁴⁷.

Европа эроншуносларининг мавзуга оид асарлари таҳлилидан В.С. Расторгуева, Ю.А. Рубинчик, Л.С. Пейсиков, Л. Жирков, Ж. Лазар, М. Шокий томонидан илгари сурилган тасниф қўшма сўзларни таснифлашнинг европача тизимига, Т.Д. Чхеидзе ва Т.А. Чавчавадзе таснифи эса хиндча тасниф, яъни семантик мезонга асослангани аниқланди.

³⁹ Жирков Л.И. Персидский язык. – М., 1927; Жаъфар М. Грамматика персидского языка. – М., 1927; Арендс А.К. Краткий синтаксис современного персидского литературного языка. – М. – Л., 1941; Расторгуева В.С. Краткий очерк грамматики персидского языка // Миллер Б.В. Персидско-русский словарь. – М.: Госиздат иностранных и национальных словарей, 1960. – С. 613-668; Пейсиков Л.С. Вопросы синтаксиса персидского языка. – М., 1959; Овчинникова И.К. К вопросу о грамматической сущности и принципах выявления словосочетаний в персидском языке // Иранская филология. – М.: Изд-во Московского Университета, 1971; Именные словосочетания в персидском языке и возможные принципы их классификации // Иранская филология. – М.: Изд-во Московского Университета, 1971; Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973; Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: «Восточная литература» РАН, 2001; Талыбова С.Э. Копулятивные словосочетания в персидском языке. Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2002.

⁴⁰ Shaki M. A study on nominal compounds in neo Persian. – Praha, 1964.

⁴¹ Lazard Gilbert. Grammaire du persan contemporain. – Paris, 1957.

⁴² Чавчавадзе Т.А. Именное словосложение в новоперсидском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1981; Меликян Г.В. Парные словосочетания в современном персидском языке. – Ереван, 1984.

⁴³ Расторгуева В.С. Краткий очерк грамматики персидского языка // Миллер Б.В. Персидско-русский словарь. – М.: Госиздат иностранных и национальных словарей, 1960. – С. 613-668.

⁴⁴ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: «Восточная литература» РАН, 2001. – 600с.

⁴⁵ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973. – С. 153.

⁴⁶ Алимова Х.З. Дарий тилида соматизмларнинг структур ва семантик таснифи: Фил.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2005. – Б. 12.

⁴⁷ Алимова Х.З. Вопросы классификации сложных слов в иранском языкознании // Восточные языки и культуры: Материалы III Международной научной конференции. – М., 2010. – С. 14.

Форс тилида сўз бирикмалари масаласи Л.С. Пейсиков⁴⁸, И.К. Овчинникова⁴⁹, Ю.А. Рубинчик⁵⁰, Г.В. Меликян⁵¹, С.Э. Талыбова⁵² каби эроншунослар томонидан ўрганилган.

Л.С. Пейсиков форс тилида сўз бирикмаларининг синтактик, фразеологик ва морфологик⁵³ каби турларини ажратиб, синтактик сўз бирикмаларини ҳоким-тобелик ҳолатига кўра қуйидаги грамматик типларга бўлади: – изофали сўз бирикмалари; – битишувли сўз бирикмалари; – олд кўмакчили сўз бирикмалари; – олмошли сўз бирикмалари⁵⁴. Ю.А. Рубинчик эса сўз бирикмаларининг уч турини қайд этиб, таснифига олмошли сўз бирикмаларини киритмайди⁵⁵.

И.К. Овчинникованинг фикрича, от сўз бирикмаларининг *логик-семантик таснифи* асосида мантиқ тушунчаси ва компонентларнинг ўзаро маъно муносабатлари ётади. *Формал тасниф* эса сўз бирикмаларининг ички шакли ва структур типларига асосланади⁵⁶. Натижада муаллиф томонидан сўз бирикмаларининг формал-семантик таснифи таклиф этилади.

Копулятив бирликларга оид илмий адабиётлар таҳлили компонентлари семантик жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўлган бирликлар турли номлар билан аталишини кўрсатди. Копулятив бирликларни тавсифлашда С.Э. Талыбова томонидан қўлланган копулятив қўшма сўз (КҚС), копулятив фразеологик бирлик (КФБ) ва эркин копулятив сўз бирикмалари (ЭКСБ)⁵⁷ каби терминлар мавзу моҳиятини тўлақонли очиш ва копулятив бирликларни ўзаро фарқлашда муҳим аҳамият касб этиши аниқланди.

Ўзбек эроншунослигида қўшма сўз ва сўз бирикмаларига оид монографик тадқиқот кузатилмади. Н.А. Ахмеджанованинг таснифида рус эроншунослари каби *копулятив ва детерминатив қўшма сўзлар* гуруҳи ажртиса⁵⁸, А. Қуронбековнинг таснифида копулятивлар ўз навбатида боғловчили копулятивлар ва агглютинатив копулятивларга бўлинади⁵⁹. М.М. Обидов томонидан фақат изофали субстантив ФБ ва изофали эркин сўз бирикмалари

⁴⁸ Пейсиков Л.С. Вопросы синтаксиса персидского языка. – М., 1959. – 412 с.

⁴⁹ Овчинникова И.К. К вопросу о грамматической сущности и принципах выявления словосочетаний в персидском языке // Иранская филология. – М.: Изд-во Московского Университета, 1971; Именные словосочетания в персидском языке и возможные принципы их классификации // Иранская филология. – М.: Изд-во Московского Университета, 1971.

⁵⁰ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: «Восточная литература» РАН, 2001. – 600 с.

⁵¹ Меликян Г.В. Парные словосочетания в современном персидском языке. – Ереван, 1984. – 111 с.

⁵² Талыбова С.Э. Копулятивные словосочетания в персидском языке. – М., 2002. – 189 с.

⁵³ Пейсиков Л.С. Вопросы синтаксиса персидского языка. – М., 1959. – С. 13.

⁵⁴ Кўрсатилган асар. – Б.40.

⁵⁵ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: «Восточная литература» РАН, 2001. – С. 363-364.

⁵⁶ Овчинникова И.К. Именные словосочетания в персидском языке и возможные принципы их классификации // Иранская филология. – М.: Изд-во Московского Университета, 1971. – С.38.

⁵⁷ Талыбова С.Э. Копулятивные словосочетания в персидском языке. – М., 2002. – С. 30-31.

⁵⁸ Ахмеджанова Н.А. Словообразование имен существительных и прилагательных в современном литературном персидском языке: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Т., 1956. – С. 8.

⁵⁹ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – T.: TDSHl, 2009. – B. 19-20.

ўрганилган бўлиб, копулятив бирликлар ҳақида фикр юритилмайди⁶⁰. А.А. Воҳидовнинг тадқиқотида форс тилида ўтган замон сифатдошлари редупликацияси натижасида қўшма сўзлар ясалиши қайд этилган. Муаллифга кўра, просодия нуқтаи назаридан ҳам қўшма сўзнинг барча белгилари намоён бўлади: таркибий қисмлар ўзаро бирлашади, урғу бирликнинг охириги бўғинига тушади⁶¹. Х.З. Алимованинг тадқиқотида форс тилига қариндош бўлган дарий тилида қўшма сўзлар фонетик, грамматик ва семантик белгига эгаллиги, қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқлашда келтирилган уч белги ичида грамматик белгининг устунлиги таъкидланади⁶². Д.Р. Аҳмедова ўз тадқиқотида тарз ҳоллари такрорга асосланган копулятивлар орқали ифодаланишини таъкидлаб, такрорлар асосини от, сифат, равиш, сон, феъл шакллари ва тасвирий сўзлар ташкил этишини қайд этади⁶³. Ҳ.В. Мирзахмедова форс тилида терминология масаласига бағишланган тадқиқотида қўшма ва бирикма терминларнинг ясалишига эътибор қаратади. Аммо копулятив қўшма терминлар ва копулятив сўз бирикмалари ҳақида фикр юритмайди⁶⁴.

Иккинчи бобда «**Форс тилида копулятив қўшма сўз ва эркин копулятив сўз бирикмаларининг қиёсий таҳлили**» ўрганилган. Мазкур бобнинг дастлабки фасли сўз ва унинг чегарасини аниқлаш мезонларига бағишланган. Сўз ва унинг чегарасини белгилаш, қўшма сўз ва сўз бирикмаларини ўзаро фарқлаш копулятив бирликлар мавзуси остида тадқиқ этилаётган КҚС, КФБ ва ЭКСБларининг ўзаро дистинктив белгиларини аниқлашга ёрдам беради. Манбалардан тўпланган копулятив бирликлар ва мавзуга оид назарий адабиётлар таҳлили натижасида КҚС, КФБ ва ЭКСБнинг қуйидаги белгилари ва ўзаро фарқлари аниқланди:

1. *Копулятив қўшма сўзлар (КҚС)*. КҚС – таркибий қисмлари семантик жиҳатдан тенг бирликлардир. Бундай бирликлар бир ёки иккала таркибий қисмнинг лексик номустақиллиги ҳамда ўзаро боғланувчи қисмлар орасида синтактик ва фразеологик алоқанинг мавжуд эмаслиги сабабли КҚС деб аталади: *مالا مال mālāmāl* «тўла», *چرند و پرند čarandoparand* «сафсата», «бўлмағур гап», *تاریک و روشن tārikoroušan* «ғира-шира пайт», *رفته رفته rafterafte* «секин-аста».

2. *Копулятив фразеологик бирликлар (КФБ)*. КФБга бир грамматик қаторга оид бўлган, яъни бир хил сўз туркумидан иборат (кўпинча от ва сифат) турғун сўз бирикмалари киради. КФБ таркибидаги *و* -*va-* «ва» бириктирувчи боғловчиси *-va-/-o-/-vo-/-yo-* шаклларида талаффуз қилинади. КФБ таркибидаги ҳар бир компонент ўз мустақил урғусига эга бўлиб, иккинчи компонентдан аввал кичик пауза юзага келади: *يکدل و یکرنگ yekdel-o yekrang* «содиқ»,

⁶⁰ Абилов М.М. Субстантивные фразеологизмы в современном персидском языке: Дис. ... канд. фил. наук. – М., 1988. – С. 56-63.

⁶¹ Вахидов А.А. Причастия в современном персидском языке (функционально-грамматический анализ): Дис. ... канд. фил. наук. – М., 1990. – 178 с.

⁶² Алимова Х.З. Дарий тилида сўз ясалишининг ички лингвистик усуллари: Филология фанлари доктори (DSc) дисс.автореф. – Т., 2019. – Б. 17.

⁶³ Аҳмедова Д.Р. Форс тилида тарз ҳолининг структур ва семантик таснифи: Филология фанлари номзоди дисс.автореф. – Т., 2011. – Б. 13-15.

⁶⁴ Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тилида термин ясалишининг назарий ва эмпирик асослари: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Т., 2017. – 45 б.

«самимий» (айнан. يكدل *yekdel* «якдил», «хамжихат», يكرنگ *yekrang* «бир хил рангли») ва شونه و شاخ *šāx-o šune* «тахдид» (айнан. شاخ *šāx* «шоҳ», شونه *šune* – شانه *šāne* «елка» сўзининг диалектдаги шакли).

3. *Эркин копулятив сўз бирикмалари (ЭКСБ)*. ЭКСБ икки ёки ундан ортик мустақил маъноли сўзлардан иборат синтактик сўз бирикмаларидан ташкил топади. Сўз бирикмасининг ҳар бир компоненти фонетик мустақилликка эга бўлиб, бу турдаги бирликларда турғун бирикмаларда бўлгани каби мустақил урғу ва иккинчи компонентнинг кичик паузадан сўнг талаффуз қилиниши кузатилади. ЭКСБда таркибий қисмлар орасидаги бириктирувчи боғловчи одатда *-o-*, баъзида ҳолатларда эса *-va-* деб талаффуз қилинади. ЭКСБ компонентлари асосан от ва сифат туркумига оид сўзлардир: واضح و آشكار *vāzeh-o āškār* «аниқ», سست و ضعيف *sost-o zaif* «заиф», نظم و ترتيب *nazm-o tartib* «тартиб», غم و غصه *gam-o yosse* «ғам-андух».

ЭКСБнинг КҚС ва КФБдан фарқли белгилари: – мустақил сўзларга эркин бўлиниш; – таркибий қисмларнинг ўзаро ўрин алмашиши ва маъно яхлитлигининг сақланиши; – сўз бирикмаси таркибий қисмларининг ўз мустақил маъносига эга бўлиши; – таркибий қисмларидан ҳар бирини синонимлар билан эркин алмаштириш имконияти;

ЭКСБнинг КҚС ва КФБга ўхшаш белгилари: – таркибий қисмларнинг тенг боғланиши, яъни бош ва эргаш сўзларнинг мавжуд эмаслиги; – шаклан ўхшаш, аммо вазифаси жиҳатидан фарқланувчи *-va-* боғловчи элементининг қўлланилиши; – кўпинча икки таркибий қисмдан иборат бўлиши; – таркибий қисмларнинг асосан бир хил сўз туркумига оидлиги; – бириктирувчи боғловчининг биринчи компонент билан бирга кичик пауза орқали талаффуз қилиниши (КФБ билан ўхшаш белги); – ЭКСБ таркибидаги ҳар бир сўзнинг ўз мустақил урғусига эга бўлиши (КФБ билан ўхшаш белги); – функционал жиҳатдан барча гап бўлаклари вазифасида келиши.

«*Форс тилида копулятив бирликларни ўзаро фарқлаш мезонлари*» деб номланган иккинчи фаслда мавзуга оид назарий қарашлар таҳлили ва тўпланган фактик материаллар таснифи асосида копулятив бирликлар (КҚС ва ЭКСБ) нинг *фонетик-фонологик, морфологик-синтактик* ва *функционал-семантик* белгилари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Копулятив қўшма сўзлар ва эркин копулятив сўз бирикмаларининг фонетик-фонологик жиҳатдан фарқлари. Копулятив бирликлар таркибидаги урғу, фонетик мустақиллик ва номустақиллик, боғловчи элементнинг талаффузи, пауза, товуш ўзгариши ёки тушиши каби ҳодисалар КҚС ва ЭКСБни фонетик-фонологик жиҳатдан фарқловчи асосий мезонлар эканини кўрсатди.

Манбалардан аниқланган *درشت و ورزیده doróšt-o varzidé* «гавдали ва бақувват», *پشتیبانی و حمایت hemāyát-o poštibānī* «қўллаб-қувватлаш» каби копулятив бирликлар ЭКСБдир, чунки бирикма таркибидаги ҳар бир сўз ўз мустақил урғусига эга. *سر و شکل sar-o šèkl* «гўзаллик», «ҳурмат-иззат», *سر و سر sar-o sèrr* «ишқий муносабат» сўзлари КҚС бўлиб, урғу иккинчи морфеманинг охириги бўғинига тушаётганини кузатиш мумкин. Копулятив бирликлар

таркибидаги урғунинг миқдори ва ўрнини аниқлашда чуқурроқ экспериментал изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Компонентлари орасида пауза мавжуд бўлмаган *بخور و بخواب boxorobexāb* «дангаса» КҚС ҳамда бириктирувчи боғловчидан сўнг кичик пауза билан талаффуз қилинувчи *منظم و مرتب monazzam-o morattab* «тартибли (интизомли)», *نظم و ترتیب nazm-o tartib* «тартиб-интизом» каби ЭКСБни кузатиш мумкин.

-va-/o- «ва» боғловчисининг талаффузи КҚС ва ЭКСБни фарқлашда қисман аҳамиятга эга. Боғловчи элемент *-o-* КҚС таркибида ҳеч қачон *-va-* боғловчисига ўзгармайди. ЭКСБ таркибида эса одатда *-o-*, баъзи ҳолатларда эса *-va-* деб ўқиш мумкин. Манбалардан тўпланган мисоллар орасида *-va-* деб талаффуз қилинувчи 2 та ЭКСБ кузатилди. Шунга кўра КҚС ва ЭКСБни ўзаро фарқлашга хизмат қилувчи ЭКСБ таркибидаги боғловчининг баъзан *-va-* деб талаффуз қилиниши ҳақидаги мулоҳаза ўта шартли бўлиб, манбалардан *سعی و کوشش sa'y-o kušeš* «ҳаракат» ЭКСБнинг *-va-/o-* «ва» орқали боғлангани ҳамда *-o-* деб талаффуз қилиниши аниқланди.

Копулятив бирликлар таркибидаги урғу, таркибий қисмлар орасидаги пауза ҳамда боғловчи элемент *-va-/o-* нинг талаффузи эронлик дикторлар томонидан ўқилган матнларнинг аудио файллари орқали аниқланди.

КҚС ва ЭКСБни ўзаро фарқловчи фонетик-фонологик белгилардан яна бири товуш алмашиши ёки товуш тушишидир. ЭКСБ таркибида ҳеч қачон товуш алмашиши ва товуш тушиши ҳодисаси кузатилмайди. ЭКСБ таркибидаги бириктирувчи боғловчи *o-* доимо *-o-* (*-vo-*, *-yo-*) ёки *-va-* деб талаффуз қилинади: *قصد و هدف yasd-o hadaf* «мақсад», *سهو و خطا sahv-o xatā* «хато», *پوشیده و مخفی pušide-vo maxfi* «яширин», «махфий», *مظلوم و ستم دیدہ setamdide-vo mazlum* «эзилган», «мазлум» ва б.

КҚСда эса «*-o-*» интерфиксининг *ā-* интерфиксига алмашуви (*کم و بیش kamobiš* – *کامبیش kamābiš* «бирмунча», «озми-кўпми», «маълум даражада»), «*-o-*» нинг «*-e-*» га ўзгариш ҳолати (*جست و جو jostoju* – *جسته josteju* «қидириш», «излаш»), боғловчи *o-* «*-o-*» интерфиксининг тушиб қолиши (*چاروناچار čāronāčār* – *چارناچار čārnāčār* «ноилож», «чор-ночор», «мажбуран») каби ҳолатлар юқоридаги бирликларни КҚС қаторига киритишга ва ЭКСБдан фарқлашга асос бўла олади. Чунки, бу ҳолат форс тилида на синтаксис, на фразеология сатҳида қайд этилади.

Копулятив қўшма сўзлар ва эркин копулятив сўз бирикмаларининг морфологик ва синтактик жиҳатдан ўзаро фарқлари. КҚС ва ЭКСБ структур жиҳатдан ўхшаш бўлиб, икки таркибий қисмдан иборатдир. Мазкур ўхшашлик копулятив бирликларни ўзаро фарқлашни қийинлаштиради. *بردار و بگذارش bardārobogzāreš* «энагалик»; «ғамхўрлик», *پیچ و خم pičoxat* «чигаллик» каби КҚС, *اقبال و بخت baxt-o eybāl* «тақдир», *خواهش و التماس xāheš-o eltemās* «илтижо» («илтимос») каби ЭКСБни гуруҳларга ажратишда копулятив бирликларнинг структур-семантик таҳлили натижасида чиқарилган хулосаларга таянилди. Мисолларда келтирилган КҚС таркибида морфологик яхлитлик ва носинтактик тузилиш акс этган бўлса, ЭКСБ таркибий қисмларининг ҳар бири морфологик

мустақил бирлик эканини намоён этмоқда. КҚСдан фарқли равишда манбаларда *بحث و دعوا و* *zarif-o narm-o latif* «майин ва юмшоқ», *کتک کاری* *bahs-o da'vā-vo kotakkāri* «муштлашиш ва ёқалашиш» каби уч таркибли ЭКСБ ҳам кузатилди. Аммо уч таркибли ЭКСБ форс тилида нисбатан каммаҳсул бўлгани сабабли копулятивларни компонентларининг сонига қараб фарқлаш мезони ўзини оқламайди.

Копулятив бирликлар таркибий қисмларининг морфологик таҳлили мазкур бирликлар от, сифат, турли феъл шакллари, тақлидий сўзлар, баъзида сон, олмош ва равишлар бирикувидан иборат бўлишини кўрсатди. Манбалардан тўпланган копулятив бирликлар таҳлиliga мувофиқ шуни айтиш мумкинки, КҚС таркибий қисмлари асосан бир сўз туркуми, баъзида турли сўз туркумлари (от+сифат) билан ифода этилади. ЭКСБ таркиби асосан от ва сифат сўз туркумларидан иборат бўлиши аниқланди.

КҚСнинг структур-семантик таҳлили уларнинг бир қатор морфологик воситалар – интерфикслар (*-ā-*, *به* *-be-*, *در* *-dar-*, *تا* *-tā-*, *و* *-o-*) орқали ясалишини кўрсатди. ЭКСБ таркибида эса фақат *و* *-o-* (*-va-*) нинг бириктирувчи боғловчи сифатида ишлатилиши кузатилди. Мазкур икки копулятив бирликни ўзаро боғловчи морфологик воситаларнинг бир хил эмаслиги уларни ўзаро фарқлашни осонлаштиради. Бу ҳолатда ягона ўхшашлик *و* *-o-* интерфикси ва *و* *-o-* (*-va-*) бириктирувчи боғловчиси доирасида бўлиб, уларни фарқлашнинг аниқ фонетик-фонологик мезонларини белгилаш копулятив бирликлар ҳақидаги тасаввурни янада ойдинлаштиради.

Копулятив бирликларнинг таркибий қисмларидан бирига ёки ҳар иккисига кўшилувчи кўплик кўшимчаси КҚС ва ЭКСБни аниқлашнинг морфологик мезони сифатида хизмат қилади. КҚС компонентлари бирикиб, бир бутун ҳолга келгани учун ҳам бир сўз каби турланади. Морфологик элементлар кўшма сўз компонентларининг фақат биттасига (асосан охиргисига) кўшилади. ЭКСБ компонентларида эса сўзларга хос барча хусусиятлар тўлиқ сақлангани учун уларнинг ҳар бири турли морфологик элементларни олган ҳолда турланади: *چاله* *-hā* *چوله* *hā* «ўйдим-чуқурлар» КҚС тўлиқсиз редупликатив бўлиб, *مشکلات* *و* *ها* *moškelāt-o došvāri-hā* «муаммолар ва қийинчиликлар» ЭКСБнинг ҳар бир таркибий қисмида эса кўпликни ифодаловчи суффикс (*-āt* арабча ҳамда *-hā* форсча кўплик кўшимчалари) бор.

КҚС компонентларининг тартиби қатъий бўлиб, баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда таркибий қисмларнинг ўрин алмашиши деярли кузатилмайди. Компонентларининг ўрни ўзгарувчи айрим КҚСнинг асосан оғзаки нутққа хослиги маълум: *قوم و خویش* *youm-o xiš* – *قوم و خویش* *xiš-o youm* «қариндош», *رفت و آمد* *raft-o āmad* – *رفت و آمد* *āmad-o raft* «ҳаракат», «муносабат», *رنگ و آب* *rangoāb* – *رنگ و آب* *āborang* «гўзаллик», «софлик».

Компонентлар ўрнининг ўзгариши кўпроқ таркибий қисмларининг жойлашуви барқарор бўлмаган ЭКСБга хосдир. ЭКСБда эса таркибий қисмларнинг ўзаро ўрин алмашиши ва маъно яхлитлигининг сақланиши кузатилади: *آرام و قرار* *ārām-o qarār* = *آرام و قرار* *qarār-o ārām* «ором»,

«осойишталик», «хузур-халоват». Манбаларда юқоридаги икки ЭКСБдан آرام و قرار *ārām-o qarār* шакли кўпроқ ишлатилиши кузатилди.

Манбалардан тўпланган КҚС ва ЭКСБнинг функционал таҳлили уларни гапнинг бош (эга ва кесим) ва иккинчи даражали бўлаклари (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) вазифасида келишини кўрсатди. Аммо уларнинг бош ва иккинчи даражали бўлақлар вазифасини бажариши ўзаро фарқлаш мезонларини белгилашга хизмат қилмади.

Копулятив қўшма сўзлар ва эркин копулятив сўз бирикмаларининг семантик жиҳатдан фарқлари. КҚС таркибидаги компонентлар ўз мустақил маъноларини йўқотса, ЭКСБнинг таркибий қисмлари эса ўз маъносида қўлланиб, бир-бирини ўзаро тўлдиради ва сўз бирикмасининг семантик бўёқдорлиги ошади: *بدوبيراه badobirāh* «ҳақоратли сўз» КҚС (*بد bad* «ёмон», *بیراه birāh* «ахлоқсиз») таркибидаги сўзлар маъноси сақланмагани кузатилса, *نصیب و قسمت nasib-o yesmat* «тақдир», «қисмат» (*نصیب nasib* «тақдир», «улуш», *قسمت yesmat* «тақдир», «бўлак») ЭКСБ компонентларининг маъноси тўлиқ сақланган ҳолда намоён бўлмоқда.

